PLAGIAT.UZ

PLAGIATGA QARSHI TIZIM

https://plagiat.uz

# Й Ў Р И Қ Н О М А С И

Плагиат.уз платформаси, плагиатга қарши маҳаллий тизим. Плагиат.уз тизимида фойдаланиб, электрон (pdf, doc, docx, txt ва бошқа турдаги) кенгайтмали ҳужжатлар онлайнда текширилади. Плагиатга текширишда, ушбу тизим ҳужжатларнинг барча кўринишдаги матнларини таҳлил қилиш, уларнинг муқобилларини топиш имкониятига эга. Тизим, халқаро ва маҳаллий маълумотлар базаларидаги мавжуд маълумотлар билан, текширилаётган ҳужжат матнини солиштиради. Кўчирмачилик йўли билан ўзлаштирилган матн ва маълумотларни аниқлайди. Тўғридан-тўғри нусха кўчириш, парафразлаш, мослаштириш, структурасини ўзгартириш орқали ўзлаштирилган ёки сунъий интеллект технологиялари ёрдамида (генерация) қилиб, ёзилган матнларни аниқлайди. Плагиат.уз тизими текширув натижалари бўйича ҳисобот, хулоса ва сертификат тақдим қилади.

**Тошкент – 2024**

# Plagiat.uz

Матнлардаги плагиатни аниқлаш учун ишлаб чиқилган мукаммал, фойдаланиш учун содда ва қулай тизим! Плагиат тушунчаси, бу бошқа муаллифлар томонидан ижод қилинган матнлар, маълумотлар, илмий янгиликлар, ғоялар ва барча турдаги ёзма манбааларни, уларнинг розилигисиз ёки фойдаланилган манбани (иқтибослик) келтирмасдан ўзлаштириб олишидир. Бунда муаллиф ўзгаларнинг асарини ўзининг ижоди сифатида кўрсатиши **(кўчирмачлик)** ёки ундан фойдаланиши, **академик ҳалоллик** ва илмий-этика **қоидаларга зид ҳисобланади.**

Плагиат.уз тизими Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” ва “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонун талабларига жавоб беради ва 2024 йил 24 октябрда 03-18-01/3218-сон “Cyber Security Center” томонидан экспертизадан ўтказилган. Тизим сервери Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бўлиб, текширувлар жараёнида тизимга юкланган барча ҳужжатлар, маълумотлар сир сақланиши кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим, Фан ва Инновациялар вазирлигининг академик ҳалоллик тўғрисидаги 2024-йил “14” октябр 381-сон буйруғининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” ва “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонун талабларига жавоб беради.

**Плагиат турлари:**

- *Тўлиқ ўзлаштириш:* Бошқа бир муаллифнинг маълумотларини тўлиқ нусхалаш.

- *Қисман ўзлаштириш:* Маълумотни айрим қисмларини ўзгартириб ёки таржима қилиб, ўз ижоди сифатида кўрсатиш.

- *Иқтибос манбасини кўрсатмаслик:* Фойдаланилган маълумотларнинг манбасини кўрсатмасдан (цитата - иқтибос)лик келтирмасдан ўзлаштириш.

- *Сунъий интеллект (AI):* Технологияларидан фойдаланиб ёзилган матнлар.

1. [https://plagiat.uz/](https://plagiat.uz/) интернет манзили орқали тизимга кирилади




**1-расм. Плагиат.уз тизимининг бош саҳифаси**




**2-расм. Плагиат.уз тизимида рўйхатдан ўтиш ва тизимга кириш**

*Telegram орқали кириш:* мобил алоқа рақамингизни киритинг ва “кейинки” тугмасини босинг. Telegram профилингизга бот орқали “Тасдиқлаш” ёки “Бекор қилиш” тугмалари акс этган хабар келади. “Тасдиқлаш” тугмаси босилганда, айнан шу телефон рақам Telegramи билан сизнинг профилингиз очилади. “Бекор қилиш” тугмаси босилганда, профилга кириш бекор қилинади.




**3-расм. Тизимга кириш**






**4-расм. Мавжуд Google ёки Yandex почталари орқали тизимга кириш**

Плагиат.уз тизими ўзбек, инглиз, қарақалпоқ ва рус тилларида (5-расм) ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу тилларда ёриқномаларига эга.



**5-расм. Тизим тиллари**

Юқорида келтирилганидек, Плагиат.уз тизимига турли усуллардан фойдаланиб кириш мумкин. Бундан фойдаланиш учун фойдаланувчилар ўзининг олдиндан мавжуд бўлган e-mail почта манзиллари орқали ёки Telegram аккаунти орқали ҳам киришлари мумкин.

“Тизимга кириш” тугмаси босилганда сайт янги саҳифага ўтади (3-расм). Бу веб саҳифанинг пастки қисмида “Telegram” логотиби жойлашган (6-расм). “Telegram” тугмаси устига сичқонча билан бир марта босилади.




**6-расм. Telegram логотипи**

Telegram логотипи орқали оддий фойдаланувчи сифатида (шахсий) аккаунтга кириш мумкин. Давлат номи, мобил алоқа рақами киритилади ва “Кейинки” тугмаси босилади (7-расм).




**7-расм.**




**8-расм. Тасдиқлаш**

Сизнинг мобил алоқа воситангиз (телефон) рақамингизга очилган Telegramга 8-расмда кўрсатилган кўринишда хабар келади. Ушбу хабарнинг энг

пастки қисмида “Тасдиқлаш” тугмаси устига босасиз. Плагиат.уз сайтда, 9-расмда кўрсатилган саҳифа очилади. “Қабул қилиш” тугмасини босиб, Плагиат.уз саҳифасида шахсий аккаунтга уланасиз.




**9-расм.**

Плагиат.уз саҳифасида шахсий аккаунтга кирилганда, сизга ID рақам берилади. ID рақамингиз шахсий кабинетингиз юқорисида жойлашади (10-расм). Агарда, сиз Gmail почта манзилингиз орқали тизимга кирсангиз, тизим сизни янги ID рақами билан рўйхатга олади. Сиз Yandex почта манзилингиз орқали тизимга кирсангиз, тизим сизни яна бошқа бир янги ID рақами билан рўйхатга олади. Шу сабабли тизимга киришда, ўзига қулай бўлган усулни танлашингиз ва ундан мунтазам фойдаланишингиз мақсадга мувофиқ бўлади.




**10-расм. Бош меню ва ID рақам**

Юқорида келтирилган Плагиат.уз тизимига кириш оддий фойдаланувчилар учундир. Жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий усулда тизимга кириш, кўп марта рўйхатдан ўтишда ҳеч қандай чекловлар йўқ. Жисмоний шахслар оддий

фойдаланувчилар сифатида рўйхатга олинади. Оддий фойдаланувчи интерфейси қуйидагича кўринишда бўлади (11-расм).




**11-расм. Жисмоний шахслар учун (оддий фойдаланувчи) аккаунти интерфейсининг кўриниши**

*Фарқли,* юридик шахслар учун тизимдан фойдаланиш ва тизимга киришда махсус логин ва пароллар Плагиат.уз тизими масъуллари томонидан берилади. Юридик шахслар, яъни ташкилотларга бир нечта логин ва пароллар тақдим этиш имконияти мавжуд. Томонларининг келишувларидан келиб чиқиб, шартнома асосида амалга оширилади.

*Қўшимча,* юридик шахслар, яъни давлат ва нодавлат ташкилотларнинг талабларидан келиб чиқиб, уларига тизим интерфейсини созлаш ва ташкилотнинг ўзига мослаб бериш жорий қилинган.

Юридик шахслар, яъни давлат ва нодавлат ташкилотларнинг аккаунт интерфейси қуйидагича кўринишда бўлади (12-расм). Ташкилотлар бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳужжатлар пакетини плагиатга текширишлари мумкин. Оддий фойдаланувчиларда ҳам бу имконият мавжуд. Аммо, давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан кўп сони ҳужжатларни бир вақтда текширишга тўғри келади. Шу сабабли, бир вақтнинг ўзида, бир Плагиат.уз аккаунтига бир нечта логин ва пароллар билан кириш имконияти берилади. Бу логин ва пароллар билан тизимга бир вақтда кириш ва фойдаланиш мумкин. Бунда, ҳар бир логин-парол

эгаси томонидан фойдаланилган текширишлар сони қайд этиб борилади. Уларнинг статистикаси аккаунт интерфейсида ёритилади. Плагиат.уз тизими томонидан статистик маълумотлар автоматик бажарилади ва доимий мониторинг қилинади.




**12-расм. Юридик ташкилотлар учун аккаунт интерфейсининг кўриниши**




**13-расм.**

Плагиат.уз тизимида шахсий аккаунт интерфейсининг чап томон юкори қисмида (13-расм)да кўрсатилган меню устунлари жойлашган. “Плагиат.уз плагиатга қарши тизимида” логотиби устига босилганда, сайт ўзини-ўзи (ctrl+f5 ёки update) қилади. “Асосий сайтга қайтиш” менюсига босганингизда, сайтнинг бош саҳифаси (1-расм)га ўтилади. Бу икки ҳолатда ҳам, тизим актив ҳолатни сақлаб қолади. Тизимдан тўлиқ чиқиб кетиш буйруғи бажарилмаганча, тизим актив

ҳисобланади. Бегона компютер воситаларидан фойдаланганда, доим тизимдан чиқиб кетиш тавсия этилади. “Кабинет” менюси босилганда (11-расм) доимий саҳифага қайтилади. “Ҳужжатлар” менюси босилганда (14-расм) саҳифа очилади. “Тўловлар” менюсига босилганда (15-расм) менинг профилим саҳифасида “Шахсий”, “Аккаунт созламалари”, “Тўловлар” номли закладкалар очилади. “Тўловлар” менюсидаги менинг профилим саҳифасида “Шахсий” номли закладка устига босиб, шахсий маълумотларни зарур бўлганда таҳрирлаш ва сақлаш мумкин. “Тўловлар” менюсидаги менинг профилим саҳифасида “Аккаунт созламалари” номли закладка устига босиб, телефон рақамингиз ва e-mail почта манзил номини ўзгартириш ва сақлаш мумкин. Бу бўлимда тўловлар тарихи, ҳозирги ҳолати ва маълумотлар акс этган бўлади.




**14-расм. Ҳужжатлар саҳифаси**

Жисмоний ва юридик шахслар учун ҳам интерфейслар ўхшаш. Ҳужжатларни плагиатга текширишни бошлаш учун олдин тўлов амалга оширилади.




**15-расм. Тўловлар бўлими**

Тўловларни амалга ошириш учун интерфейснинг юқори қисмида жойлашган менюлар қаторидаги “Тўлаш” буйруғидан фойдаланилади. “Тўлаш” буйруғи устига босинг ва ушбу саҳифа очилади (16-расм). Текширишлар сони ва сертификатлар сонини киритинг. Тизим автоматик нархни белгилайди ва кўрсатади. Тўлов тизими бўлимидан пул ўтказиш усулни танланг. Тўлаш тугмасини босинг. Тўлов амалга оширилганидан сўнг, юқоридаги менюда ҳисобингиз доимий акс этиб туради.




**16-расм. Ҳисобни тўлдириш**

Тўлов амалга оширилганидан сўнг, ҳужжатларингизни плагиатга текшириш учун (17-расм)да кўрсатилган “Ҳужжат текшириш” менюсини танланг. “Ҳужжат

текшириш” менюси устига сичқонча билан бир марта босинг. Экран марказида жойлашган “Ҳужжатни танланг” ёзуви устига босинг.




**17-расм. Ҳужжат текшириш**

Экран марказида жойлашган “Ҳужжатни танланг” ёзуви (17-расм)да қизил чизиқ билан айлана олинган ҳолда кўрсатилган. Ушбу “Ҳужжатни танланг” ёзуви устига босилганда, экраунда ушбу кўринишда янги оина очилади (18-расм). Ҳужжат жойлашган жойни топинг ва ҳужжатни танланг.




**18-расм. Ҳужжат жойлашган жойни топиш ва танлаш**

Танланган ҳужжат Плагиат.уз тизимига юкланади (19-расм). Ҳужжат нотўғри юкланган бўлса, “Файлни олиб ташлаш” ёзуви устига босинг. Ҳужжат тизимдан олиб ташланади. Агар ишни давом эттирмоқчи бўлсангиз, пастки қисмда жойлашган “Ҳужжат номи”, “Ҳужжат тури”, “Ҳужжат тавсифи” бўлимларини тўлдиринг. Ушбу бўлимларни тўлдирмасдан ҳам ҳужжатни текшириш мумкин. Ҳужжатни текшириш учун пастки ўнг томонда жойлашган “Текшириш” тугмасини босинг (20-расм).




**19-расм. Ҳужжатни юклаш**




**20-расм. Ҳужжатни текшириш**

Ҳужжатларни текшириш вақти кўп сонли ҳужжатлар учун 5-10 дақиқа. Плагиатга текширилган ҳужжатлар менюлар устуни жойлашган “Ҳужжатлар” бўлимида кетма-кет жойлашиб бориши керак (21-расм).




**21-расм. Текширилган ҳужжатлар**

Текширилган ҳужжатлар бўлимидан ҳар бир ҳужжат бўйича плагиатга текширилгани тўғрисида маълумотларни юклаб олиш мумкин. Ўнг томонда жойлашган “Интерактив кўриш” тугмасидан кейин “…” белгиси мавжуд. Ушбу “…” тугма устига босганингизда, экранда текширув натижаларини кўрсатадиган тўлиқ ҳисобот, таҳлилий ҳисобот ва белгиланган намунадаги хулоса (СЕРТИФИКАТ)ни тақдим этади. Бунга учун тўлиқ ҳисобот, таҳлилий ҳисобот ва белгиланган намунадаги хулоса (СЕРТИФИКАТ)лардан бирини танлаш кифоя (22-расм).




**22-расм. Тўлиқ ҳисобот, Таҳлилий ҳисобот ва СЕРТИФИКАТни юклаб олиш**

Тўлиқ ҳисобот, таҳлилий ҳисобот ёки сертификатни юклаш буйруқлари танланганда, керакли ҳужжат янги веб саҳифада PDF форматида очилади. Caqlash бўлимига ўтиб юклаб олинади. Ушбу ҳисоботларни исталган вақтда тизимга кириб юклаб олиш мумкин. Ҳужжатларни юклаб олишда чекловлар йўқ. Аммо, ҳар бир текшириш учун алоҳида тўлов қилинганидан сўнг тизим ишни давом эттиради.

Плагиат.уз тизими кўчирилган матнларнинг қайси манбалardan олинганини аниқлаш ва уларни аниқ ифодалаш имкониятига эга (23-расм).




**23-расм.**

Тизимда матнларнинг мазмуни ўзгармасдан, сўз ва иборалар алмашган ҳолатлар (парафразалар)ни аниқлаш функцияси мавжуд (24-расм).

| Sahifa 31 | Sahifa 35 |
|---|---|
| Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. | ... Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации ... |

**409** **2023**
https://drive.google.com/file/d/1xrot7USd8gYJq-y8sAF2JHAcNywcDD90/view

| Tekshirish | Manba |
|---|---|
| Sahifa 31 | Sahifa 37 |
| Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. | ... Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации ... |

**410** http://library.navoiy-uni.uz/files/ingliz_va_ozbek_tillarida_olamning__frazeologik_manzarasida_gender__kontseptlarining_shakllanishi.pdf

| Tekshirish | Manba |
|---|---|
| Sahifa 31 | Sahifa 33 |
| Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. | ... Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации2 ... |

**411** **Пространственные особенности формирования системы внеуличного пассажирского транспорта Санкт-Петербургской агломерации**
**2020, Атаев Пётр Геннадьевич**
https://vak.minobrnauki.gov.ru/advert/100048445

| Tekshirish | Manba |
|---|---|
| Sahifa 31 | Sahifa 7 |

**24-расм. Парафразалаш йўли билан ўзлаштирилган матнлар**

Плагиат.уз тизими сунъий интеллект - AI технологиялари ёрдамида генерация қилинган матнларни аниқлаш хусусиятига эга (25-расм).

Data Analytics Tools
Purpose: Analyze data to extract meaningful insights.
Examples:
Apache Spark: A powerful engine for big data processing. 24
Machine Learning Algorithms: Used for predictive analytics and pattern recognition(Ambrus, 2023).



Material properties such as yield stress and fracture toughness also play a role in determining the cutting behavior and chip formation(Williams & Patel, 2016).

Cutting Parameters

Key cutting parameters include cutting speed, feed rate, and depth of cut, which significantly affect surface roughness and machining time(Tamrakar & Vishwakarma, 2017).

Optimization of these parameters can lead to improved tool life and reduced environmental impact, as evidenced by studies focusing on energy efficiency and noise reduction(Zhang et al., 2018).

**25-расм. Сунъий интеллект - AI технологиялари ёрдамида генерация қилинган матнлар**

Плагиат.уз халқаро илмий нашриётлар, кутубхоналар ва миллий илмий нашрлар базасига интеграция қилинган ва мунтазам интеграция қилиб бориш учун мўлжалланган алгоритм асосида ишлайди (26-расм).



PLAGIAT.UZ

Kengaytirilgan hisobot

**Yaratilgan:** 27/10/2024 18:53:48

**Yil:** 2024

**Sahifalar:** 63

**Qidiruv modullari:** Internet 2.0, IEEE, Elektron kutubxona tizimlari to'plami, Rossiya davlat kutubxonasi dissertatsiyalari, Rossiya davlat kutubxonasining tezislari, Ilmiy maqolalar to'plami, Vikipediya:Ru, Vikipediya:En, Huquqiy hujjatlar to'plami, Rossiya Federatsiyasi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalari, Rossiya Federatsiyasi Oliy attestatsiya komissiyasining tezislari, KiberLeninka ilmiy elektron kutubxonasi, Ilmiy maqolalar 2.0, Rossiya Federatsiyasi sanoat mulki federal instituti, Birlashgan universitetlar to'plami, Local user collection "InsoftLab", O‘zbekiston hududiy to‘plami, O‘zbekiston Milliy kutubxonasi, Ensiklopediyalar to'plami

**Hujjat raqami:** 23949

**Yuklab olishni boshlash:** 27/10/2024 18:53:48

**26-расм. халқаро илмий нашриётлар, кутубхоналар ва миллий илмий нашрлар базалари**




**27-расм. Сертификат намунаси**

***Боғланиш учун маълумотлар***

| | |
|---|---|
| **Telegram:** | **Телефонлар:** |
| @plagiat_uz_1 | +998 93 993-77-55 |
| @plagiat_uz_2 | +998 94 437-77-55 |
| **Манзил:** | **e-mail:** |
| Хоразм вилояти, | info@plagiat.uz |
| IT-Парк, Тинчлик кўчаси | support@plagiat.uz |